

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
харид комиссияси раиси**



  
\_\_\_\_\_ **О.Яминов**

  
\_\_\_\_\_ **2022 йил**

**Асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини (тиқув машина,  
оверлок ва бошқалар) харид қилиш бўйича**

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ХУЖЖАТИ**

Тошкент - 2022 й.

**Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси асбоб-ускуна ва меҳнат қуроллари (тикув машина, оверлок ва бошқалар) танлов асосида танлашни эълон қилади.**

**Харид номи:** Асбоб ускуна ва меҳнат қуроллари (тикув машина, оверлок ва бошқалар) (кейинги ўринда асбоб-ускуна деб юритилади)

**Танлашни ўтказиш шакли:** Электрон шаклда.

**Шартноманинг бошланғич баҳоси:** 1 510 000 000 (Бир миллиард беш юз ўн миллион) сўм

**Танлов ҳужжатларини қабул қиладиган ҳамда танлов ўтказиладиган манзил:**  
**<https://etender.uzex.uz/>**

**Иштирокчилар қуйидаги мезонларга амал қилган ҳолда танловда иштирок этишлари мумкин:**

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуқга эгалик;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қаздорликнинг мавжуд эмаслиги;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;
- товарнинг тасдиқланган техник параметрларининг мавжудлиги.

**Танлов иштирокчиларига танлаш бўйича харид қилиш қоидаларига доир тушунтириш юзасидан иштирокчилар билан алоқада бўладиган шахс:** бошқарманинг бўлим бошлиғи – Абдуллаев Хабибулла Фатхуллаевич, тел.:95 053-05-10.

**Таклифларни тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана:** Махсус ахборот порталига лот жойлаштирилган кундан бошлаб 12 календар куни давомийлигида белгиланган вақтга қадар.

**Буюртмачининг юридик манзили:** Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, И.Каримов кўчаси 51.

**Танлов ҳужжатларини расмийлаштириш талаби:**

- танлов иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли;
- танлов ҳужжатларида тузатишларга (матн, сўз ва рақамларни бўяш) йўл кўйилмайди. Агарда ҳужжатларда тузатишлар аниқланса ушбу танлов ҳужжати комиссия томонидан четлаштирилади;
- танлов иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

### **Танловга тақдим этиладиган ҳужжатлар:**

- тижорат таклифи
- танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза.
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида кайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотнома;
- ташкилотнинг рўйхатга олинганлик гувоҳнома нусхаси (ташкилот раҳбари томонидан муҳр ва имзо билан тасдиқланган бўлиши лозим);
- товар ва маҳсулотларнинг тасдиқланган техник параметрлари (ташкилот раҳбари томонидан муҳр ва имзо билан тасдиқланган бўлиши лозим).

### **ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

**Тикув машинасининг техник параметрлари Шайхонтохур туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Ашурматовнинг 2022 йил 6 июлдаги 02/03-сон йиғилиш баёнига мувофиқ шакллантирилди.**

#### **1. Харид қилинаётган асбоб-ускуна хусусиятлари ва кўлами.**

##### **1.1 Тикув машинасининг техник параметрлари:**

- Серво моторли, иккита қайчили, 300 мм\*120 мм тикув сиғимига эга, очик паддонли автомат тикув машинкаси;
- Тикишни бажариш жойи янада кенг ва қулай 300 мм\*120 мм;
- Ҳил (ҳар ҳил) декоратив дизайнли чок тика оладиган (камида 18 ҳил);
- Ўрта ва қалин материаллар учун мўлжалланган;
- 5000 тикув/мингача бўлган тикув тезлиги туфайли юқори маҳсулдорлик;
- Игна кўтарилиши максимум 13 мм;
- Игна ДБХ1 #9 -#18;
- Автоматик функцияларга эга (закрепка, лапка кўтарилиши, автоматик ип кесиш ва бошқалар);
- Жим ишлаш, машинанинг силлиқ ишлаши, шовқин ва салбий тебранишларсиз ишчининг қулайлигини таъминлаши;
- Моментнинг узатилиши машинанинг асосий милицада жойлашган ва унинг танасига ўрнатилган кичик ва кучли тишли бўлмаган двигател томонидан амалга оширилши;
- Двигател ва асосий милнинг қувват сарфини сезиларли даражада камайтириши (70% гача тежалиши), тебранишларни камайтириши;
- Бошқарув панели машина корпусига ўрнатилган бўлиши;

## **2. Таъминотчига куйиладиган талаблар**

- Харид қилинаётган асбоб-ускуналарга камида 5 йиллик кафолат;
- Асбоб-ускуналарига камида 5 йилгача бепул хизмат кўрсатиш бўйича кафолат;
- Асбоб-ускунага қўйилган техник талабга мос келиши (зарур);
- Асбоб-ускуналарни шартнома имзоланган кундан бошлаб кўпи билан 3 иш куни ичида етказиб бериши;
- Етказиб берилган асбоб-ускуна яроқсиз бўлган ҳолда янгисига алиштириб бериш;
- асбоб-ускунани шартномада кўрсатилган муддатда етказиб бериш.

## **3. Иш жойи ва вакти**

“Таминотчи” асбоб-ускуналарини Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги биносига етказиб беради.

Асбоб-ускуналарни етказиб бериш “Буюртмачи”нинг иш вакти давомида амалга оширилади. Иш вакти дам олиш ва байрам кунларидан ташқари, соат 9:00 дан 18:00 гача (5/7).

## **4. Бошқа шартлар**

Турли хавф хатарлар ва форс можор ҳолатларини олдини олиш мақсадида “Таминотчининг”нинг доимий иш фаолиятида бўладиган телефони мавжудлигини таъминланиши шарт.

“Таминотчининг” телефонлари 24/7 давомида ишлашини таъминлаши шарт.

“Таминотчининг” телефон рақамлари рўйхатини “Буюртмачига” шартнома тузилгандан сўнг берилишини таъминлаш ҳамда телефон рақамларидаги узғаришлар тўғрисида маълумотни бир иш куни давомида Буюртмачининг вакилларига етказилишини таъминлаш.

Асбоб-ускуналарни етказиб бериш Ўзбекистан Республикаси Қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига жавоб бериши керак.

Асбоб ускуналар берилган кафолат даврида бузлиб қолган ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган тақдирда асбоб-укуналарни таъмирлаш ишлари “Таминотчи” томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

### **Асбоб ускуналар сони ва турлари**

**Тикув машинаси 151 дона.**

**Таклиф киритди:**

**Комиссия котиби**

**Х.Абдуллаев**